


**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари**  
**магистратура мутахассислигининг малака талаblари**

**Тошкент**



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

| Т/р    |  | бет |
|--------|--|-----|
| 1.     | <i>70611703–Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари</i> магистратура мутахассислигининг умумий таснифи .....   | 4   |
| 1.1.   | Қўлланиш соҳаси .....  | 4   |
| 1.1.1. | <i>70611703–Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....                                 | 4   |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....  | 4   |
| 1.2.   | <i>70611703–Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи .....                              | 4   |
| 1.2.1. | <i>70611703–Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....                          | 4   |
| 1.2.2. | <i>70611703–Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....                        | 4   |
| 1.2.3. | <i>70611703–Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....                           | 5   |
| 1.2.4. | <i>70611703–Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....                                    | 5   |
| 2.     | <i>70611703–Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 6   |
| 2.1.   | Умумий компетенциялар.....   | 6   |
| 2.2.   | Касбий компетенциялар.....   | 6   |
|        | Библиографик маълумотлар.....  | 7   |
|        | Келишув варағи.....  | 8   |

## **1. 70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари магистратура мутахассислиги** – «Ижтимоий ва хулқ-атворга мансуб фанлар» соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда мобиль алоқа технологияларига оид фанларни ўқитиш, илмий ҳамда техник масалалар билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари; давлат бошқаруви органлари; халқаро ташкилотлар; телекоммуникация соҳасидаги корхоналар; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тармоқ илмий-тадқиқот институтлари; хорижий мамлакатлар билан боғлиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотлар; хусусийлиги исталган шаклда бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида ахборот хавфсизликни таъминлаш, истиқболни белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналарни бошқариш жараёни;

- ахборот-коммуникация технологиялари тизимлари ва тармоқлари;

- олий ва ўрта махсус таълим тизими ташкилотлари;

- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари;

- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;

- илмий тадқиқот жараёни;

- Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ўз соҳасининг асосини комплекс англашда тизимли таҳлилни қўллаш жараёнлари.

### **1.2.3. 70611703 – *Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

• Илмий-тадқиқот фаолияти;

• Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;

• ҳуқуқ-тартибот фаолияти;

• Ташкилий-бошқарув фаолияти;

• Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:

### **1.2.4. 70611703 – *Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

*70611703 – Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари* мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;

- фундаментал ва амалий изланишлар олиб боришда иштирок этиш ва мустақил фаолият олиб бориши;

- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

#### **Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:**

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаши;

- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиши;

- касбий этика кодексига риоя қилиши;

#### **Ҳуқуқ-тартибот фаолиятида:**

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, турли мулк шакллари химоя қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишга кўмаклашиш;

- Телекоммуникация соҳасига таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- халқаро хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб

боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулдда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

#### **Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:**

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфорацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш;

- меҳнат муносабатларига янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни тадқиқ қилинишини ташкил қилиш.

## **2. 70611703– Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда иқтисодий хавфсизлик тамойилларини қўллаш билиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, инфорацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, иқтисодий хавфсизлик соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;
- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий эспертизадан ўтказишни билиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

Сунъий йўлдошли алоқа тизимлари, Ернинг сунъий йўлдошлари, ретрансляция, Йўлдошли ТВ ва радиоэшиттириш, Йўлдошли алоқа тизимларнинг классификацияси, геостационар бўлмаган орбиталар, Эллиптик орбиталар, Йўлдошли алоқа хизматлари, Космик алоқалар, мобил Ер станциялар.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги  
Тошкент ахборот технологиялари университети

Ректор в.б.  Б.Махкамов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



**КЕЛИШИЛДИ:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги Олий  
таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш  
маркази

Директор в.б.  М.Эсанов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Космик тадқиқотлар ва  
технологиялар агентлиги

Бош директор в.б.  Ш.Кадиров

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



Кадрлар буюртмачилари

Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
равожлантириш вазирлиги  
таълим муассасалари фаолиятини  
мувофиқлаштириш ва соҳа  
кадрларини тайёрлаш,  
қайта тайёрлаш бўлими

Бош мутахассис  Х.Собиров

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



“UNICON.UZ” ДУК  
телекоммуникация  
инфраструктурасини  
ривожлантириш департаменти

бошлиғи  А.Атаниязов

202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



Кадрлар буюртмачилари